# ХИЗМАТ КУРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 2022/164

**2022 йил «19» декабрь** **Жиззах шахри.**

Жиззах вилоят хокимлиги ягона буюртмачи хизмати Инжиниринг компанияси (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Х.Хасанов ва **«JIZZAKH GEODETIC»** масъулияти чекланган жамияти (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Б.Қосимов мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## 1. Шартнома предмети

1.1. Хак эвазига хизмат курсатиш шартномаси буйича ижрочи буюртмачининг топширигига кура макур шартноманинг 1.2 бандида курсатилган хизматларни курсатиш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ушбу хизматлар учун хак тулаш мажбуриятини олади.

1.2. Ижрочи кейинги уринларда «Хизматлар деб аталадиган куйидаги хизматлар курсатиш мажбуриятини олади: **Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани "Ўзбекистон" ФХУ ҳудудида жойлашган 1 та 9 қаватли 115 та хонадонли уй-жойларни электр энергия билан таъминлаш** объекти буйича топосёмка-геология ишларини бажариш.

1.3. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: 19.12.2022 йил.

Ишни якунлаш: 10 иш куни.

Ижрочи Хизматлар курсатиш буйича ишларни муддатидан олдин бажариш хукукига эга.

1.3.1. Хизматлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хизматларни кабул килиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин курсатилган деб хисобланади.

## 2. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари

2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.1.1. Хизматларни лозим булган сифатда бажариш.

2.1.2. Хизматларни мазкур шартноманинг 1.3-бандида курсатилган муддатда тулик хажмда курсатиш.

2.1.3. «Бажарувчи» ташкилотнинг айби билан лойиха хужжатларига кушимча иш хажмлари ва харажатар аникланган такдирда «Уздаврхитекткурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли буйруги билан тасдиланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб куйилади.

2.1.4. Ижрочи хизматларни бажариш буйича ишни шахсан бажариши шарт.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари;

2.2.1. Буюртмачи томонидан курсатилаётган хизмат учун олдиндан 30 % туловни амалга оширади, колган 70 % хизматларни кабул килиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 90 кун ичида хак тулаш.

2.3. Буюртмачи куйидаги хукукларга эга:

2.3.1. Хар кандай вактда ижрочининг фаолиятига аралашмаган холда у томонидан бажаралиётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

2.3.2. Далолатнома имзолангунга кадар хар кандай вактда шарномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган бахонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги хакидаги хабарнома олгунга кадар курсатилган хизматлар кисмига мутаносиб кисмини ижрочига тулаш.

## 3. Шартнома киймати ва тулов шартлари

3.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати 2022 йил 14 декабрдаги лот №203793 бўйича харид қилиш комиссияси баённомасига асосан ҚҚС билан **9 900 000 (тўққиз миллион тўққиз юз минг) сўмни ташкил килади.**

3.2. Буюртмачи томонидан ижрочига курсатилган хизматлар бахосини тулаш ижрочининг мазкур шартномада курсатилган хисоб-китоб хисобварагига пул маблагларини кучириш йули билан амалга оширилади.

## 4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Мазкур шартнорманинг 1.3-бандида курсатилган хизматлар курсатиш муддатини бузганлиги учун ижрочи буюртмачига кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси курсатилмаган хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни курсатмаслик окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.2. Курсатилган хизматлар хакини уз вактида туламаганлик учун буюртмачи ижрочига утказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган микдорида пеня тулайди.

4.3. Тарафларнинг мазкур шартномада кузда тутилмаган жавобгарлик чоралари Узбекистон Республикаси худудида амал килувчи фукаролик конунчилиги меъёрларига мувофик кулланади.

4.4. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган такдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

## 5. Форс-мажор холатлари

5.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боглик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган такдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. (Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошкин, ёнгин ва бошка табиий офатлар шулар жумласидандир.)

5.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

5.3. Агар бартараф килиб булмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиши мумкин.

## 6. Низоларни хал этиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар уртасида имкон кадар музокаралар йули билан хал этилади.

6.2 Низоларни тарафларнинг музокаралари йули билан хал этиш имкони булмаган такдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кузда тутилган судгача булган жараёнларни амалга оширилганларидан сунг уларни Жиззах туманлараро иктисодий судига куриб чикишга топширадилар.

## 7. Шартномага узгартириш ва кушимчалар киритиш тартиби.

7.1. Ушбу шартномага киритилган барча узгартириш ва кушимчалар факат икала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо куйилиб, Ғазначилик бошкармасидан руйхатдан утгандан сунг юридик кучга эга.

7.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

## 8. Якуний коидалар.

8.1. Мазкур шартномага киритиладиган хар кандай узгартириш ва кушимчалар, улар факат ёзма шакилда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб Газначилик бошкармасидан руйхатдан утгандан сунг хакикий хисобланади.

8.2. Мазкур шартнома вилоят Ғазначилик бошкармасидан руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар амал килади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

8.4. Шартномага илова ____________________________________________________________

## 9. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

**БУЮРТМАЧИ:**
**Жиззах вилоят хокимлиги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси.**
Жиззах ш. Ш.Рашидов кучаси 100 уй.
Тел./факс 222-46-40, 222-29-96
ШҒҲ: 10001086008401704980428000003
ИНН: 204791955 ОКОНХ: 69000
Жиззах вилоят Ғазначилик бошқармаси
ЯҒҲ **23402000300100001010**
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шахар Бош бошкармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)
МФО: 00014 ИНН: 201122919

______________ **Х.Хасанов**

**ИЖРОЧИ:**
**“JIZZAKH GEODETIC”**
**масъулияти чекланган жамияти**

Жизах шахар М.Улугбек 12-уй 27 хона
Тел: +99899 555-70-41
Ҳ/Р 2020 8000 7009 0763 1001
“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Жиззах минтақавий филиали
МФО-01152 ИНН- 305692118

______________ **Б.Қосимов**

**Х У К У К И Й   Х У Л О С А:**

Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конунининг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хулосаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги хамда низоларнинг хал этилиши тартиби амалдаги конунчилик талабларига мослигини беради.

Хукукий экспертиза натижасига кура куйдагилар аникланди:

1. Шартнома лойихаси Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофик тузилган. Такдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 631-655, 686-692-моддалари хамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбурятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги окибатида юзага келадиган жавобгарлик Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъетлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

**Жиззах вилоят хокимлиги ЯБХ ИК хукукшуноси - адвокат**

*О.Очилов* ______________

**А.Н.Скорнякова**

*М.Алиев* ______________